



## ПРЕЗИДЕНТ ТОЖИКИСТОНГА БОРАДИ



Жорий йилнинг 19-20 май кунлари Қозоғистон Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Тоҷикистон Президент Имомали Раҳмоннинг тақлиғига биноан расмий ташриф билан Тоҷикистон Республикасига боради. Бу ҳақда давлат раҳбарининг матбуот котиби Берик Уали ўзининг Facebookдаги саҳифасида маълум қилди, деб хабар беради Kazinform.

Ташриф давомида икки давлат раҳбарларининг тор ва кенгайтирилган таркибдаги учрашувлари режалаштирилган. Музокаралар кун тартибига сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, сармојињий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган Қозоғистон-Тоҷикистон стратегик ҳамкорлигини ривожлантириш вазифаси киради. Минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади.

## ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

Қозоғистон Президенти ҚҲА  
РАИСИННИГ ЎРИНБОСАРИНИ АБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбари Қозоғистон ҳалқи Ассамблеяси раисининг ўринбосари Марат Азилхоновни қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаевга ҚҲАнинг бугунги фаолияти, унинг XXIX сессияси натижалари ва этносиёсий соҳадаги долзарб тамоилилар ҳақида маълумот берилди.

Суҳбат давомида Ассамблеяни янада ривожлантириш, таҳлилий жараён ва кузатувни кучайтириш, минтақавий тараққиёт ва ёшлар фаолиятининг йўналишлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарига миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, этник гурӯҳларни янада интеграциялашув истиқболлари, Қозоғистон ҳалқини фуқаролик ўзига хослиги ва бирлиги тамоилилари асосида бирлаштиришга қаратилган ҚҲАнинг маҳсус лойиҳаларини амалга ошириш борасида маълумот берилди.

Учрашув якупнари бўйича давлат раҳбари Марат Азилхоновга Қозоғистон Ҳалқи Ассамблеясининг барча тармоқлари фаолиятини янгилашга қаратилган қатор аниқ кўрсатмалар берди.

# Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 6 май, пайшанба. №45 (2950).



## БУЮК ЖАСОРАТГА ТАЪЗИМ

Мұхтарам фахрийлар!  
Хурматли Ватан ҳимоячилари!  
Қадрли түркестонликлар!

Сизларни мәрдлик ва жасоратни улуғлайдиган, йил сайин кетма-кет нишонланадиган – 7 май – Ватан ҳимоячилари куни ва 9 май – Галаба байрами билан чин дилдан табриклими!

Дарҳақиқат, қўшалоқ қувончнинг келишида биз сезавермайдиган алоҳида бир маъно бор, шекилли. Тафаккурдан ҳеч қачон ўчмайдиган буюк қаҳрамонлик, бугунги тинчликнинг бешигини тебраттани ғолиб ёшларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшгандек, гўё. Оталар жасорати – фарзандларга ибрат! Авлодлар ворисдошлигини унутмай, эслатиб турадиган ушбу кўш қувонч барчамиз учун ана шуниси билан қадрлидир.

ҚР Тўнгич Президенти Нурсултан Назарбаев “Бизнинг фахрийларга эҳтиромимиз уларнинг жасоратидан кам бўлмаслиги керак”, деган бўлса, Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев “Халқимиз Буюк Галабага беҳисоб ҳисса қўшиди. Ватандошларимиз жанг майдонларида душман ўқидан ҳалок бўлиб, ярмидан кўпи элга қайтмади. Жанчиларимизнинг

қаҳрамонлиги ва жасорати ер юзида осойишталик ва тинчликни асрашга имкон берди”, деган эди ўз қутловида.

Келажак авлоднинг саломатлиги ва порлоқ келажаги учун жонидан кечиб, қайғу-изтиробларни бошидан кечирган уруш фахрийлари ва фронторти меҳнаткашларининг фидорона меҳнати ва қаҳрамонликларини Туркестон вилояти жамоатчилиги ҳеч қачон унутмайди.

Бугунги барқарор тараққиёт йўлига тушган Қозоғистон қудратли элга айланиб, уч йилда Туркестон вилоятида залворли ишлар йўлга кўйилиб, эл фаровонлигини оширишга хисса қўшиб келади. Бу кунларга етганимиз учун қонли жанг майдонларида мәрдлик кўрсатган барча уруш қатнашчиларига, фронт ортида меҳнат қилиб, бугун ҳаётимизга файз бағишилаб юрган мұхтарам фахрийларимизга миннатдорчиллик билдирамиз.

Мустақил эл яхлитлигини сақлаш, мамлакат осойишталигини таъминлаш, чегарани мустаҳкамлаш – буюк давлатчиликнинг рамзиидир. Шу боис, қўшалоқ байрамнинг эл тарихини қадрлайдиган, келажагига ишонадиган, жасорат, барқарорлик, тинчлик, мәрдликни қадрлайдиган жамият

учун ўрни ўзгача.

Халқимизда “Эл умидини эр оқлар, эр номини эл сақлар” деган нақл бор. Буюк йўлбошчиларимиз ва довюрак боболаримизнинг мәрдликлари инсоният тарихида мангу сақланган. Эл кўргони бўлиб юрган мәрдларни мадҳ этиш – ҳар бир ёш фуқарони ватан-парварлик руҳида тарбиялади.

Билими, куч ва иродасини Ватанимизнинг қудратини оширишга, ҳимоя қилишга, Қозоғистоннинг хавфсизлигини сақлашга сарфлаб келаётган ҳарбий соҳа вакилларини касбий байрамлари билан чин дилдан табриклимиз.

Фахрийларимиз омон, ёшларимиз ватанпарвар бўлсун! Оилаларингизга омонлик, ишларингизга муваффақият тилайман. Элни ҳимоя қилиш йўлидаги муносиб меҳнатларингизга омад, ўзларингизга соғлик, оиласангиша омонлик тилаймиз! Қозоғистонимиз мангу бўлиб, унинг ҳимоячилари – алпқомат ўғлонларимиз буюк довонлардан кўринаверсин!

Ўмирзак ШЎКЕЕВ,  
Туркестон вилояти ҳокими.  
Қайрат БАЛАБИЕВ,  
вилоят маслаҳати котиби.

## “ЯШИЛ БЕЛБОҒ” МАЙДОНИ ИККИ БАРАВАР КЕНГАЙДИ

Туркистан шаҳри атрофини кўкаламзорлаштириш мақсадида амалга оширилаётган “Яшил белбог” лойиҳасининг умумий майдони икки баравар кенгайиб, 13500 гектарга етди. Йил охиригача унинг майдонини 20000 гектарга етказиш мўлжалланмоқда. Туркистан шаҳрида амалга оширилаётган залворли лойиҳа ҳақида вилоят ҳокими Умирзақ Шўкеев раислигида ўтган ҳафталик девон йигилишида табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишини созлаш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев маълум қилди.

Вилоят ҳокимининг ташбуси билан шаҳарни яшилликка буркаб, иқлимини ўзгартириш учун 2019-2022 йиллари Туркистан шаҳрининг атрофидан 7700 гектар майдонда “Яшил белбог” барпо этиш режалаштирилиб, бугунги кунда

режа муддатидан аввал бажарилди. Мажлисда минтақадаги санитария-эпидемиологик ахвол хам муҳокама қилинди. Бугунги кунда Туркистан вилояти “яшил ҳудуд”да. Шу кунгача 44 минг фуқаро кўнгилли равишда эмлан-



## NUR OTAN – ХАЛҚ ПАРТИЯСИ

**NUR OTAN ПАРТИЯСИ ТУЛКИБОШ  
ТУМАН ФИЛИАЛИНИНГ НАВБАТДАГИ  
ХЛІ АНЖУМАНИ ЎТДИ**



Унда туман партия филиалининг раиси, туман ҳокими Нурлан Байфут, Туркистан вилоят филиали Сиёсий кенгашининг аъзоси, Тулкибуш туман маслаҳати котиби Садуақас Сейсенбаев туман маслаҳати депутатлари, Nur Otan партиясининг фаол аъзолари, 18 нафар бошлангич партия ташкилотларидан сайланган делегатлар, партиянинг Jas Otan ёшлар қаноти ва ОАВ вакиллари иштирок этди. масала бўйича туман партия филиали раислиги Тулкибуш туманинг ҳокими,

**Nur Otan партияси Туркистан вилоят филиалининг матбуот хизмати.**

## МАКТАБЛАРНИНГ ЛИЦЕНЗИЯСИ ТЎХТАТИЛДИ

Туркистан вилоятида жорий йилнинг 4 ойида 93та ариза юзасидан текширувлар юритилиб, 8 нафар амалдор ва ҳукуқий шахс маъмурий жавобгарлика тортildi.

Таълим қонунларини бузгани учун 12 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилган. Шунингдек, иккита мактабнинг лицензияси вактинча тўхтатилиб, 115 ОҲҚ ҳисобида жарима солинди. Буни минтақавий коммуникациялар марказида ўтган брифингда вилоят таълим сифатини таъминлаш департаменти раҳбари Бақитжан Мухамеджанов маълум қилди.

– Давлат назорати тадбирларининг ижро-си доирасида режага мувофиқ, 2021 йилнинг 1-ярмида профилактик текширув юритилиб, натижада 30та таълим мусассасаларида дарсга қатнашиш давомати тўғри ташкил килинмагани аниқланиб, кўрсатмалар берилиди. Бундан ташқари, департамент томонидан ҚРнинг “Педагог мақоми тўғрисида” қонун талабларини бузгани учун 2 нафар амалдор шахсга нисбатан чора кўрилди. Шунингдек, қонунчиликка мувофиқ болаларнинг мактаблардаги дарсга иштирокини тўғри ташкиллаштиргани учун ота-оналарни маъмурий жавобгарлика тортиш тўғрисида қарор чиқарилиб, 29 170 тенге миқдорида жарима солинди, – деди Бақитжан Қалжанули.

Департамент томонидан вилоят худудидаги мактабларда билим бериш ташкилотлари билан тасдиқланган педагогик одоб бўйича кенгаш тузилемагани, педагог-тахлилчиларнинг улуши 35 фоиздан камлиги каби маълумотлар аниқланди.

**Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.**



## “ТУРАН”НИНГ ИЛК ҒАЛАБАСИ

Туркистоннинг “Туран” жамоаси Қозогистон Премьер-лигасида илк ғалабани қўлга киритди. 9-тур ўйинлари доирасида жамоамиз “Үрдабоши” билан учрашиб, ғолибликни қўлга киритди.

Бош мураббий Абдухалиқ Бўрибаевнинг шогирдлари учрашувда тактик жиҳатдан яхши натижа кўрсатишиди. Гол муаллифи – Темирлан Умиров.

10-турда жамоамиз ўз майдонида Шимолий Қозогистон вилоятининг “Қизилжар” жамоаси билан беллашади.

## СЎЗОҚЛИК ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Осиё қитъасининг кучли полвонлари иштирок этган Осиё чемпионатида катталар ўртасидаги тош кўтариш мусобақасида 73 килограмм вазнда ҳамюртимиз Қўбиланди Ўринбасаров олтин медални қўлга киритди.

Шунингдек, у Осиё чемпионатида “Энг кучли спортчи” номинацияси голиби бўлди, маҳсус белбог ва қимматбаҳо совгалар билан тақдирланди. Эркаклар, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида тош кўтаришдан навбатдаги Осиё чемпионати Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида ўтди.

Ёшлардан куч синашиб, мусобақада барча рақибларидан устун келган спортчилар сафифа сўзоклик Ердус Рисбек ва Нурлибек Шекербек ҳам бор. Қитъа чемпионатида 63 кг. вазнда қатнашган Нурсултан Сабир, 68 кг. вазндағи Бақитжан Турганбай кумуш медалга сазовор бўлиши.

## МАМЛАКАТ ВАКЦИНАСИНинг ЯНГИ ПАРТИЯСИ КЕЛДИ

**ЖАМБИЛ ВИЛОЯТИДА ТАЙЁРЛАНГАН “KAZCOVID-IN” ВАКЦИНАСИНинг  
ДАСТЛАБКИ ПАРТИЯСИ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИГА ЕТКАЗИЛДИ**

QazVak қозогистон вакцинасининг 2 минг дозаси вилоятнинг эмлаш бекатларига тарқатиб берилди. Мамлакат вакцинаси “Биологик хавфсизлик муаммолари” илмий-текшириши институти базасида тайёрланди. Эмлизида хавфли иллатга қарши эмлаш таддibi 1 февралда бошланган эди. Ана шу давр мобайнида вилоятда 45 мингга яқин фуқаро эмлатиш ниятини билдириди.

22 февралдан бошлаб вилоятда иккичи компонентни (ревакцинация) 14 мингдан ортиқ одам олди.

“Аҳоли саломатлиги ва соғликни сақлаш тизими тўғрисида” кодекснинг

77-моддасига мувофиқ, ҳар қандай тиббий муолажа, жумладан, эмлатиш шахснинг розилиги билан амалга оширилади. Вакцинани рад этганлар маъмурий ёки жиноий жавобгарлика тортилмайди.

**Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.**

## МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ТАНЛОВИ



Туркистан вилояти Келес туманида ҚР Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан, 1 Май – Қозогистон халқи бирлиги кунини нишонлаш доирасида турли этнос вакиллари иштирокида “Бир chanгароқ остида тотувлик ва барака” мавзуида миллий таомлар танлови уюштирилди. Қишлоқ округларидан 30 нафар ошпаз ўз миллий таомларини маҳорат билан тайёрлаб, ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди.

Келес кўп миллатли туманлардан бири. Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, тадбирнинг бош мақсади минтақадаги барча миллат вакилларини дўстликка чорлаш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашdir.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъати қарори билан совиндорлар аниқланди. Голибларга ташаккурнома ва қимматбаҳо совгалар топширилди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

● Буюк Ғалабага –76 йил

# ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АБАДИЙ

**Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримиз, оғир қунларни сабр-бардош билан енгган, машақатли дақиқаларда ҳам ўзлигини ўқотмаган, иймони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.**



1945 йилнинг 9 майигача чўзилган урушга 1 миллион 200 минг қозоғистонлик отланса, фронтортида қолганлар ғалаба учун жонини фидо қилиб меҳнат қандилар, тарихга муҳрланган мардлик кўрсатдилар.

## Сукут муддати – 45 йил...

Дарҳақиқат, тарихчиларнинг маълумотларига кўра, инсоният тарихидаги энг машъум уруш туфайли Ер юзида 30 миллион одам ҳалок бўлган. Минглаб шаҳар ва аҳоли манзиллари вайрон бўлиб, миллионлаб гектар ўрмон ва далалар яроқсиз ҳолга келган. Душман ўқидан ажал кучган, дом-дараксиз кетган йигитлар қанча. Ҳа, бу даҳшатли уруш инсоният тарихидаги мангу ўчмас ҳасрат ва надоматdir. Сабаби, дунёда юз берган қирғинларнинг энг узоқ муддат давом этгани, талофоти энг кўп мана шу Иккинчи Жаҳон – Улуғ Ватан уруши бўлган.

...1941 йил 22 июня, айни сахар чоғида, соат 4.00да Гитлернинг бўйруги билан бошланган уруш 4 йил – 1418 кун ва тун давом этди. Унда 40та мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқлари вайронага айланди, урушда қатнашган давлатлардаги миллионлаб оиласларнинг болалари етим бўлиб қолди, мард ўғлонлари жанг майдонларидан қайтмади. Ана шу оловли йилларда Совет Иттилоқидан урушга жўнаб кетган 27 млн. одам ҳалок бўлди. Меҳрибон она, суюкли ёр, қадрли опакулар зор йиглаб қолишиди. Агар Ватан учун жонини фидо қилган курбонларнинг ҳар бири учун алоҳида-алоҳида сукут сақланса, унинг муддати 45 йилга тенг бўларкан. Уруш бошланиши билан минтақамиздан ҳам минглаб ёшлар оловли майдонларда фашист билан жангга кирди, элини душмандан ҳимоя қилди. Улар опоқ тўшакларда ётмади, тўйиб нон емади, тўйиб ухламади. Қанчадан-қанча мард ўғлонлар ёшликининг энг навқиронлаҳзаларидан маҳрум бўлди, юрт соғинчи, жигарлар дийдорига тўймай кетдилар. Қанча она фарзандини сўнгги нафасигача кутса, қанча ота “кора хат”ни кучиб йиглади. Уларнинг қайғу-ҳасратини сўз билан ифодалаш мумкин эмас.

## Ҳамма нарса фронт учун

Даҳшатли уруш Жанубий Қозоғистон вилояти аҳли учун кўплаб қийинчиликлар олиб келди, осуда ҳаётига чанг солди. 1941 йилнинг 22 июня куни Шимкентдаги “Химфарм”, “Кўргошин” заводларида, Мақтаарал туманидаги Алексеевск пахта заводида, Сариоғоч ва бошقا барча туманлarda митинглар уюштирилиб, ишчилар энди факат Ватан ҳимояси учун меҳнат қилишларини билдиришиди.

Бутун вилоятда ишлаб чиқариш ўйналиши ўзгартирилиб, фронт учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1941 йили 7 сентябрда ВКП(б) марказий қўмитасининг 5 сентябрдаги “Халқ орасида жангчилар учун иссиқ кийим ва озиқ-овқат тўплаш тўғрисида”ги қарори чиқди. Вилоятдаги қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг меҳнаткашлари “Ортиқча донни давлатга сотиш – ҳар бир колхозчининг ватанпарварлик бурчи”, шиори шу йилларда дунёга келди. Шу йилнинг декабрида фронтон 14207та иссиқ кийим, озиқ-овқат жўнатилди. 1942 йили Жанубий Қозоғистон вилоятидан Ленинградга 18та вагонда 418 тонна маҳсулот жўнатилди. Сўзоқ, Арис, Туркистон туманлари меҳнаткашлари ҳам бор йигиттерганларини жанг майдонларига жўната бошлади. Шу йиллари кураш чемпиони Қажимуқан Мунайтпасов (1883-1948й.) кексайиб қолишига қарамай, кураш тушиб, тўплаган 100 минг сўмини самолёт ясашга ҳадя қилди. Жануб миңтақаси фуқаролари озиқ-овқат, кийим-кечакдан ташқари, қурол-яропагрла ҳам эътибор қаратишиди. 1942 йили вилоят ёшлари танк колонинасини қуриш учун 8 млн. сўм тўпласа, 1943 йили “Қозоғистон комсомоли” ҳаво эскадрилясини ташкил этишга 1 млн. сўм маблағ ўтказишиди. Ушбу хайрли ишда Акпар Шўраев, Балта Алибеков, Шагатай Егембердиев, Шақим Садиков, Б. Ўнгдасинов каби ҳамюрларимиз 100, 170 минг сўмдан ўз ҳиссаларини қўшган. Уруш туфайли қишлоқ ҳўжалигидаги энг оғир юмушлар хотин-қизлар, болалар ва қариялар зиммасига тушди. Техника тилини ўзлаштирган 5682 нафар хотин-қиз соҳа қийинчиликларини ўз зиммаларига олган мард инсонлар эди.

## Унтишга ҳаққимиз йўқ

Биз азалдан тинчликсевар ҳалқимиз. Айнан ушбу ғоя тарғиботига багишинан буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барчасида тинчликнинг қадрига этиш масаласи тарғибот қилиниб, уруш батамом қораланади.

Ҳали-ҳануз орамизда саноқли уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат мashaқатини чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг қадрига этиш инсонийлик бурчимиш. Бугун жасорати ва мардлиги билан тилларда достон бўлган кекса авлод вакиллари сафи торайиб, вилоятимизда уларнинг 28 нафаригина қолди. Шу боис, янги аср авлодлари миллионлар тақдирини ҳасратга айлантирган Улуғ Ватан урушини

унтишга ҳаққи йўқ.

2012 йилнинг 5 декабрида Ашхободда ўтган МДҲ давлатлари раҳбарлари кенгашида УВУ фахрийлари ёш авлодни ватанпаварлик руҳида тарбиялаш, ҳалқлар дўстлиги ва тутувлигини барқарорлашириш мақсадида “Ғалаба байрамини мангу нишонлаш” фармойиши қабул қилинган.

## Тадбирлар онлайн тартибида муносиб нишонланади

2021 йил 5 апрель куни вилоят ҳоқими ўринбосари У. Тажибаевнинг маҳсус қарори билан 7-9 май кунлари Туркистон вилоятида Ғалабанинг 76 йиллигини ўтказиши тадбирлари режаси тасдиқланди. Туркистон шаҳрида УВУ фахрийлари, фахрийлар уюшмаларининг фаоллари, МДҲ давлатлари Қуролли кучлари вакиллари иштирокида Ғалабага бағишинан тантанали маросимлар, байрам концертлари пандемия туфайли ижтимоий масоғага риоя қилган ҳолда онлайн тартибида ўтказилади. Ёшларда ватанпаварлик ҳиссими тарбиялаш мақсадида байрам арафасида мактаб ўқувчилари ва талаба ёшларнинг фахрийлар билан учрашувлари ҳам онлайн тартибида ўтади. Мактабларда “Тинчлик куни”, “Порлоқ келажак”, “Мардлик сабоқлари” каби эркин мавзудаги тарбиявий соатлар ўтказилади. Туман, шаҳарлардаги ёдгорликлар таъмиранади. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига моддий ёрдам қўрсатиш ва улар яшайдиган ўйларни таъмиранлашга кўнгиллilar жалб қилиниб, “Ардағым – ардағерим” тадбири ўюширилади. “Жасорат – авлодга ўrnak” вилоят музеида рассомлар кўргазмалири онлайн тартибида ўтказилади. Қозоғистонликлар ва фронторти меҳнаткашлари ҳақида газета-журналларда мақолалар чоп этилиб, ижтимоий тармокларда қозоғистонликларнинг жасорати ҳақида маҳсус видео-лавҳалар тайёрланади. Шунингдек, 9 май куни 1941-1945 йилларда УВУ жангчилари ёдгорликлари ва қабрлари ҳамда биродарлик қабристонларига ижтимоий масоғага риоя қилинган ҳолда гулчамбарлар кўйилади.

Ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан Қозоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги қарорига мувофиқ, туман, шаҳар бюджетлари ҳисобидан 28 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва ногиронларига 1 млн. тенге, 6722 нафар фронторти меҳнаткашлари ва ҳалок бўлган жангчиларнинг беваларига 30 минг тенге, 55 нафар Ленинград қамалида бўлган, уруш қатнашчиларининг беваларига – 60 минг тенге миқдорида бир марталик моддий кўмак кўрсатилади.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш – уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Урушнинг суронлийилларини бошдан кечирган оталаримиз, фронторти меҳнаткашлари келажак авлод бундай даҳшатларни асло кўрмаслигини, ер юзида тинчлик бўлишини тилаган омонат ва ғаниматларимиз бор бўлишсин!

Ғалаба байрами барчамизга муборак бўлсин!

**Женисбек МАУЛЕНҚУЛОВ,  
Туркистон вилоят фахрийлар  
кенгашининг раиси.**

## “ТУРКИСТОН” НАВЛИ ЧИГИТ ҲЎЖАЛИКЛАРГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Қорачиқ қишлоғидаги тажрибали дехқон, тадбиркор Ҳабибулла Азимов раҳбарлик қилаётган дехқон ҳўжалиги бир неча йил муқаддам пахтанинг Туркистон вилояти иқлимига мослаштирилган янги, “Туркистон” навини яратган эди. У ҳосилдорлиги, тез пишиб этилиши, толасининг узунлиги, касалликлар ҳамда сувсизликка чидамлилиги билан бошқа навлардан ажralиб туради.



– Бу йил чигит экиш мавсуми об-ҳаво нокулайлиги туфайли анча кечикмоқда. Ҳўжалигимиз 10 минг гектар майдонга етадиган “Туркистон” навини уруғлик чигит ҳозирлаб қўйди. Айни пайтда вилоятимизнинг жанубий туманлари ҳўжаликлари ушбу навни биздан харид қилиб, экишга киришмоқдалар. Ҳўжалигимизда бу нав минг гектар майдонга экилади, – деди X. Азимов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

## СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА ЛОЙИХА

Шимолий миңтақалар билан танишиш мақсадида Туркистон вилоятидан 45 киши йўлга чиқди

Бугунги кунда Nur Otan партияси вилоят филиали, бандликни мувофиқлаштириш ва ижтимоий дастурлар бошқармаси ҳамда маҳаллий ҳоқимликлар орқали Шимолий миңтақаларни ишчи кучи билан таъминлашни кўзлайдиган “Меҳнат” дастурини ташкиллаштириш, тарғибот ишлари жонланди. Ўтган куни мазкур дастурнинг учинчи йўналиши доирасида Туркистон вилояти, Сайрам туманидан Шимолга кўчиш истагидаги 45 оила (Сариоғоч, Сайрам, Байдибек туманлари) аъзолари Павлодар ва Шимолий Қозоғистон вилоятлари билан яқиндан танишиш мақсадида йўлга отланди. Улар икки вилоятдаги шароитни ўрганидилар. Агар таклифлар қониқтирса, шимолга кўчишлари мумкин.

Кўчишга ният билдириб, йўлга чиқсанларга Nur Otan партияси вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Бейсен Тажибаев лойиҳанинг стратегик аҳамияти, Жанубдан Шимолга кўчиб боргандарга давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдам ҳақида маълумот берилади. Бундай маълумотларни туман бандлик марказларидан олиш мумкин.

Вилоят миңтақавий алоқалар хизмати.

# ЭЛБОШИ БИЛАН ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

Туркистонлик гвардиячи полковник, Улуф Ватан уруши фахрийси Олимжон Мұхаммаджонов Туркистон шаҳар уруш ва меңнат фахрийлари кенгашига Мустақилликнинг дастлабки даврида узоқ йиллар самарали раҳбарлик қилган.

Элбоши, Түнгич Президентимиз Нурсултан Назарбаев Туркистонга расмий ташрифи қогида уруш фахрийлари – Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетов, Абжаппар Даирбаев, жамоат арбоби Рўзакул Холмуродов, туман ҳокими ўринбосари Эргаш Диметов каби таникли инсонлар даврасида истеъфодаги полковник Олимжон Мұхаммаджонов Элбоши билан мулокотда бўлиб, туркистонликлар номидан давлат раҳбарига мустаҳкам саломатлик, эл равнақи йўлида янги зафарлар тилаган эди (тасвирда).

Ҳанузгача ёдимда... “1941-1945 йиллардаги Улуф Ватан урушида 15 иттифоқдош



レスpublikalardan iborat Совет Иттифоқидан жами 20 миллиондан зиёд одам халок бўлган. Биз тинчлик тарафдоримиз. Энди уруш жабрни ҳеч ким кўрмасин...” деб ёзарди газетамизга йўллаган мақолосида Олимжон Мұхаммаджонов.

Туркистон шаҳридан урушга сафарбар этилган 18500 дан зиёд собиқ жангчилар-

Ш. МАДАЛИЕВ.

## ● Тилга ҳурмат – элга ҳурмат

## “АТАМЕКЕН” ҚЎШИГИ ИЖРО ЭТИЛДИ



“Улес” ҳайрия жамоат жамғармаси раиси Райимжон Кўчкоров ташкилотчилиги, Қозғистон халқи Ассамблеяси Туркистон вилоят бўлими тавсияси асосида давлат тилида “Атамекен” қўшиги ижро этилди. Туркистонлик

таникли санъаткорлар Фофуржон Худойберганов, Абдимўмин Отаконов, Сардор Розиев, Отабек Тожиметов, Фарҳод Тожиметов ҳамда Жавоҳир Абдураҳмоновлар ижросидаги қўшиқ ижтимоий тармоқларда намойиш этил-

Ш. МАДАЛИЕВ.

## МАҚТААРАЛЛИКЛАР БОШПАНАЛИ БЎЛИШДИ



Байрам арафасида Мақтаарал туманида кам таъминланган кўп болали 50та оила бошпанали бўлди. “Нурлы жер” дастури доирасида харид қилинган янги уйлар калитларини туман ҳокими Бақит Асанов топширди.

Замонавий уйлар Иристи ва Қ. Пернебаев қишлоқларида жойлашган.

Келгусида Мирзакентдаги янги кичик туманда 5 қаватли 14та уй, яъни 740 квартира куриш режаланмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## САЙРАМЛИК ФАХРИЙ УСТОЗ

Таникли устоз, меңнат фахрийси Турсунхўжа Ҳонхўжаев шу кунларда ўзининг 88 ёшини қаршиломоқда.

У 1933 йили 9 май куни Сайрам қишлоғидаги Ҳонхўжа ота ва Тоҷио ая хонадонида таваллуд топган. Турсунхўжа ака 1951 йили Калинин номли мактабни тамомлаб, Тошкент давлат педагогика институтига ўқишига киради. Олий даргоҳи 1955 йили тутаби, она юрти – Сайрамга ишга келади ва биология фанидан дарс беради. У меңнат фаолиятининг 16-йилида мактаб директори, 28-йилида мактабларда илмий мудир лавозимларида хизмат қилди. У ўзининг ёрқин ҳаётини ҳалқ маорифига, ёшларнинг келажигига бағишилади.

Турсунхўжа аканинг жамоат ҳаётидаги фаол иштирокида кўплаб ҳайр-саҳоват тадбирлари амалга оширилмоқда, бунёдкорлик, яратувчанини юмушлари адо этилмоқда, оиласалар мустаҳкамланмоқда. У миллатимизнинг урф-одатларини мустаҳкамлаш, она тилимизни риводлантириш, маъракаларни миллийлаштириш борасида барча ўзбек этномаданият бирлашмалари миқёсида фаолият ҳамда жонбозлик кўрсатаётган миллатдошларимиздан бири.

Ёши 88ни қоралаган бўлсада ижод қилишда ҳеч кимдан қолишмайди. Турсунхўжа ака айни кунларда “Жанубий Қозғистон” газетасининг жамоатчи муҳбири сифатида барчани қойил қолдирадиган, ўйлантирадиган, тўғри йўлдан даъват этадиган мақолалари билан муштариқ кўнглидан чиқмоқда.

У 1999 йилда ўзи ҳамда 2004 йилда умр йўлдоши Марҳаматхон келинойи билан ҳаж амалларини бажарди. Турсунхўжа ака умр йўлдоши, раҳматли Озодаҳон ая ва Марҳаматхон келинойилар билан 9 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар.

Улар педагогика соҳаси, тиббиёт тизими ходимлари.

Ҳозирги пайтда деярли чорак асрдирики, у ўзининг диний-маърифий сабоқлари, маънавий-тарбиявий насиҳатлари билан вилоятда машҳур.

Турсунхўжа ака жамоат ишларининг кўплигига қарамай, ижодда ҳам катта ютуқларга эришган ва эришаётган инсон. У ўзининг шахсий ташаббуси ва раҳбарлиги остида 2010 йили Диёр Дилёр қаламига мансуб “Сайрамлик дўстлар – улфатлар” китобининг чоп этилишида жонбозлик кўрсатди ва ушбу йўналишида ҳам биринчилардан бўлиб, мазкур рисолага муҳаррирлик қилди.

2014 йили эса, муаллиф сифатида ўзининг “Кўрганларим, билганинларим, эшитганларим” китобининг биринчи жилдини дунёга келтириди, иккинчи жилди 2016 йили чоп этилди.

Турсунхўжа аканинг сербарака ҳаётини ҳамда серсамара фаолияти кўпчиликка ибрат, намуна. У ўзининг камтарона, беминнат ишлари Жанубий Қозғистон ўлка қўмитаси, таълим бошқармаларининг фахрий ёрликлари, қимматбаҳо совфалари билан тақдирланган. “Меңнат фахрийси”, “Улуф Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 65 йиллиги, 70 йиллиги”, “Жамоат фахрийси”, “Жамоат фидойиси” каби ва яна қатор медаллар, нишонлар ва унвонлар шулар сирасидан. У Сайрам қишлоғининг фахрий фуқароси. Диний анжуманлардаги фаол ишти-



роки учун республика, вилоят диний бошқармаларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

“Жамоат ишларида бунчалик жонбозлик кўрсатишдан, китоб ёзишдан, мақолалар чоп этиришдан мақсад нима?”, деган саволга Турсунхўжа ака қуидагича жавоб берди:

– Ёшларимизга насл-насабимизни танитиш, ўтган ота-боболаримизниң қандай умр кечиргани, турмуш мashaқатларига бардоши, меңнат-севарликлари, ҳалол-покликлари, атрофдагиларга ижобий муносабатларидан ёшларимиз намуна олишса, деган умиддаман.

Турсунхўжа ака ҳақида зиёлилар шундай дейди:

Журналист, публицист, шоир, Қозғистон Республикаси “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Арғумок” адабий мукофоти соҳиби Бердиёр Жумаев:

– Турсунхўжа ака юзида фариштаси бор инсон ҳамда у киши замонамиз мутафаккирларидан биридир, – дея таърифласа, Сайрам қишлоғининг собиқ ҳокими Ҳусанхон Аҳмадхонов: “Турсунхўжа ака Сайрам оқсоколларининг оқсоқолидир”, журналист Юсуфжон Сайдалиев: “Турсунхўжа ака ҳозирги давримизнинг фаоли ва фахри”, дея фикрласа, Юсуф Сарёмий номли мактаб-лицея директори Баҳодир Нуралиев: “Турсунхўжа ака барча устоzlарнинг устозидир, Қозғистон Ёзувчилар ва Журналистлар ўюнмаси аъзоси Ҳавазмат Қўчкоров: “Турсунхўжа акани энг аввало, азиз ва муҳтарам устозим-мурраббийим мақомида биламан. Ҳаётимда ва ижодимда нимагаки эришган бўлсам, барчасида у зотнинг ҳиссалари бор”, дея фахрланиб таърифлайдилар.

Турсунхўжа ҳожи акамиз юрт орасида яхшилик, эзгулик, ҳайр-саҳоват, меҳр-оқибат, аслият – қадрият уруғларини сочишдан ҳормаёттирлар-толмәтилар. У кишининг ҳаётдаги шиори ўзининг тўртлигига ифодаланган:

**Ҳар бир киши ишига қараб,  
Ҳалқ олдида баҳосин олар.  
Бу дунёда авлодлар учун,  
Яхшилардан яхшилик қолар!**

Мен ишонч билан айта оламанки, Турсунхўжа ака ҳаётда ўзига ҳайкал ясаган ҳамда чуқур из қолдираётган ажойиб инсонdir!

**Эркин АБДУНАҚИБОВ,  
меңнат фахрийси.**

**P.S.** Жамоатчи муҳбимиз, фахрий устоз Турсунхўжа Ҳонхўжаевни қутлуг таваллуд айёми билан “Жанубий Қозғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти номидан муборакбод этамиз ва унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилаймиз.

# АБАДИЙ ФИРОК, АБАДИЙ СОГИНЧ



“Аждодларни хотирлаш – муқаддас қадрият”. Буюк Ғалаба-нинг 76 йиллиги республикамизнинг ҳар бир минтақасида ана шу шиор остида, күтаринки рух ҳамда юксак савияда нишонланади. Минглаб ота-боболаримиз бу йўлда ўз жонини фидо қилган.



Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмаларининг “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икром Ҳошимжоновнинг ҳам ота-боболари Нигматжон Ҳошимжонов ва Фозил Қодиров уруш майдонларидан қайтмаган.

Икром Акром ўғли урушда бедарак кетган қариндошларини 15 йил излади. Давлат, ҳарбий архивларига, мутасадди вазирликларга бетўхтов хатлар ёзи, аждодлари билан фронтда бирга жанг қилган кишиларнинг хонадонларида борди, тинмай сўради-суриштириди, мутасадди идоралар учун даста-даста хужжатлар йигишидан ҳеч эринмади.

Ниҳоят, ахтарган топади, деганларидек, ота-боболарининг изи топилди. Улар Белоруссиядаги жангларда қатнашган ва “Биродарлик қабристони”да дафн этилган экан. Тегишли ахборот Р芬宁 Мудофаа вазирлигидан келди, қолган маълумотлар эса “Мемориал” сайтининг базасидан топилди ([obd-memorial.ru](#)).

Нигматжон Ҳошимжонов 1908 йили Шимкент шаҳрида туғилиб, КИМ мактабида математика ўқитувчиси бўлиб ишлаган. Ўқитувчилик имтиёзидан фойдаланиб, фронтга бормаслиги ҳам мумкин эди, лекин у ўз Ватанини, халқини, аж-

озод этишда қатнашиб, уруш даҳшатлари ичиди жон таслим этган. У ҳам бедарак кетиб, “Биродарлик қабристони”да сўнгги қўнимини топган эди.

Икром Акромжон ўғлига оловли жанглардан омон қайтмаган боболарининг дарагини топиб, уларга жаноза ўшиқ насиб эти. 2017 йилда Беларусь мамлакатига бориб, “Биродарлик қабристони”га дафн этилган аждодларига муносиб ворис дошлиқ туйгусини намойиш этди.

Айни дамда УВУ қатнашчиси, иқтидорли устоз Нигматжон Ҳошимжоновнинг номи ўзи яшаган Шимкент шаҳридаги Пионерская қўчасига берилган. Ўтган йили эса Улуғ Ватан урушининг 75 йиллигига бағишилаб, ўзбек драма



театрида “Сабр дарахти” спектакли на-мойиш этилди. Бутун зални йиглаттан ушбу спектакль томошасида ҳаммадан кўра кўпроқ таъсирланган томошабин Нигматжон ота ва Бузахро аянинг қизи Мақсада опа эди.

Атиги етти йил бирга умр кечириб, умрининг охирига қадар садоқат ва



додларини ҳурмат қилгани учун оловли жангларни танлади ва улардан омон қайтмади. У Беларусь тупроғини, Буда Кошёлово шаҳрини озод қилишдаги жангда 1944 йил 3 март куни яраланиб, дала госпиталида вафот эти. У Арис шаҳрида қисқа муддатли офицерлик курсларини тамомлаб, лейтенант унвонини олган ва фронтда пулемет взводиди бошқарган. Шунингдек, у Сталинград мудофаасида қатнашган, энг охирги жанг эса Белоруссия фронтида кечган. Дала госпиталида оғир ярадор ҳолда рафиқасига хат ёзиб, тирик қайтишига умид бағишилди. Жуфти-ҳалоли Бузахро ҳам икки қизи Мақсада ва Мамуранларни бағрига босганича бедарак кетган турмуш ўтогини умрбод интизорлик билан кутиб қолаверди...

Яна бир жафокаш бобоколони Фозил Қодиров эса Белоруссиянинг Чауск тумани, Усушек қишлоғини душмандан

сабр-тоқат билан жуфти ҳалолини кутган ўзбек аёлининг умр лавҳалари театр жамоаси томонидан моҳирона кўрсатиб берилди.

Кечаги кун сабоқларини, ундаги қаҳрамонларни хотирлаш бугунги осуда кунимизни қадрлашга ўргатади. Буни Икром ака Ҳошимжонов ҳаётий мисол билан исботлаб берди.

**Шундай экан, 9 Майни шунчаки давлат байрами сифатида эмас, балки ҳар бир хонадонга бевосита даҳлор бўлган, оиласларимизда чукур из қолдирган, осоёшишта ҳаётимизни таъминлаган ота-боболаримизни эслаш, фахрийларга эҳтиром кўрсатиши билан нишонласак, бекёс аҳамиятли иш қилган бўламиз, Иншааллоҳ!**

Н. МАВЛОНОВА.

# ЖАНГОҲЛАРДА ЖОН ОЛИБ, ЖОН БЕРГАНЛАР...

Ғалаба учун немис-фашист босқинчиларида қарши қонли жангларда иштирок этган, марҳум ота-боболаримиз руҳи поклари олдида бир умр таъзимдамиз. Тирикларини эъзозлаб, кексаликнинг ҳар бир лаҳзасида муносиб ҳаёт кечириши учун барча имкониятлар давлатимиз томонидан таъминланмокда. Йил сайн бир марталик пулли ёрдам, депутатлар, тадбиркорларнинг ҳомийлик кўмаклари ана шулар сирасидан.

Ўша машъум жангларда қатнашганлар ҳам, уларга зафар тилаб, фронт ортида мешақатли, оғир меҳнатни ўз зиммасига олган фронторти фахрийлари, турмуш ўртоғидан қора хат олган оналар, падаридан эрта айрилган етимлар...



Ана ўшалар Улуғ Ватан урушининг азобу үкубатларига гувоҳ бўлғанлар. Ўша жангдаги Буюк Ғалабага бу йил 76 йил тўлмоқда. Ватан учун, оламда тинчлик ҳукмрон бўлиши учун, адолат тантанаси учун жон олиб, жон бергандар олдида умрбод қарздормиз. Ота-боболаримизнинг кучли орияти, ватанпарварлик туйгулари, она ўртга чексиз муҳаббати ҳамда даҳшатли жанглардаги мисли кўрилмаган қаҳрамонликлари асрлар бўйи яшайверади. Боиси, уруш соя солмаган хонадон йўқ ҳисоби.

Немис фашизмининг байробини яксон қилиб, Ғалаба билан элига қайтган аскарлар меҳнаткашлик бобида ҳам илғорлар қаторида бўлди. Вилоятимиз иқтисодиёти ва маданияти юксалишига, тараққий этишига залворли ҳисса қўшиши...

Сайрам туманида таваллуд топиб, урушда алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган ҳамюртларимизнинг исми шарифлари тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Улар – Тоштемир Рустамов, Зиёмат Ҳусанов, Бўтабой Содиқов ҳамда Владимир Вишневецкий...

Ҳамюртимиз, Қорабулоқ қишлоғида истиқомат қиласётган Холниёз ота Абисhev 1923 йилда таваллуд топган... Ҳали тетик, бардам, бақувват... Ҳозирда эндинина нафақа ёшига етадигина нафақа ёшига өтказади... Кемтик кўнгиллар, синик, маҳзун табассумлар каби, – дейди Сайрам туманининг маркази – Оқсуқент қишлоғида истиқомат қилаётган Макарам ота.

– Мен урушга отлан-



ганимда, 18 ёшли йигит эдим. 1944 йили биз ёшларни Семей шаҳрига курол-аслаҳадан қандай фойдаланишни ўргатиш учун олиб бориши. Қахратон қиши, ҳаво жуда совуқ эди. Қисқа тайёргарликдан сўнг бизни Польшага олиб кетишиди, сўнг Германияга бордик. Ушбу мамлакатлар ҳудудларини фашист унсурларидан тозалашда иштирок этдик. Эндиликда эшитган кулоқ ишонмайдиган даражадаги мешақатларга чиради, жанг қилардик. Шундай қилиб, 1945 йилнинг май ойи ҳам келди. Уруш тугай деб қолган пайт, бир куни хандақ ковлаётганимизда, атрофни аскарларнинг шодон қийқириги тутиб кетди:

– Ура! Ғалаба! Биз енгидик! – садолари чоратроға ларза соларди, – хотирлайди уруш қатнашчиси Аҳмаджон ота Анортов. – Биз кўрдик, ёшлар кўрмасин бундай қирғинбаротни...

Аҳмаджон ота Ғалабадан сўнг йигитлик бурчини давом эттириш учун Белоруссияга жўнаб кетди. Уруш асоратларини бартараф этишда фаол ва фидокорона хизмат қилди. 1950 йили она юритига қайтиб келди.

У ҳарбий хизматдан сўнг Қорабулоқ қишлоғидаги давлат ва жамоа ҳужаликлиарида юк машинаси ҳайдовчиси бўлди. Нафақага чиққунга қадар одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилишга интилди.

... Мана Холниёз ота Абисhev, Аҳмаджон ота Анортов ва Макарам ота Шайхутдиновларга узоқ умр, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд ҳолда ёш авлад вакиллари билан мулоқотларда, учрашув онларида Ватанга муҳаббат, бурчига ва элига садоқат, аҳиллик, тўкинчиликнинг қадрига етиш туйғуларини сингдиришдек масъулиятли, аҳамиятли панду насиҳатлари сероб бўлаверишини тилаб қоламиш.

Мақсад БЕК.

**Тасвириларда:** УВУдаги шонли хизматлари учун кўксини орден ва медаллар безаб турган отаҳонлар.

Кентов шаҳри, Чоға қишлоқ округи, Тошоноқ қишлоғидаги ўрта мактаб ҳовлисида Ватан химоячилари га ёдгорлик ўрнатилган. Мактаб директори Үткір Құдратов, үрінбосары Эргашбай Бобошевлар 2014 йили мактаб қурилишини амалға оширган пурратчи ташкилот раҳбарининг ташаббуси ва ёрдами билан Туркистан шаҳридаги "Женис" истироҳат боғида ўрнатилган ёдгорлик мажмусаси "Тошоноқ" мактаби ҳовлисига күчирилганини айтишиди.

## ШАҲАРДАН ҚИШЛОҚҚА КҮЧИРИЛГАН ЁДГОРЛИК

Үша пайтдағи шаҳар ҳокими Алипбек Үсербаевнинг саъй-харакатлари билан истироҳат боғидаги ёдгорлик янгиланиб, Туркистан шаҳар ва қишлоқлардан урушга отланған 18500 дан зиёд уруш фахрийларининг исм-шарифлары мармар лавзага зархал ҳарфлар билан битилиб, түрт нафар уруш қаҳрамонига бюст ўрнастылған эди.

Тошоноқдаги ушбу ёдгорлик ўтған асрда шаҳар ижроғия күмитаси биносы олдидаги "Шұхрат" хиёбонида қад ростлаган эди.

Чоға қишлоқ округида уруш фахрийлари күп эди. Шу жумладан, 104 йил умр күрган Худой-



берган Аббосов ҳам шу қишлоқ ғарзанды.

Буюк Ғалаба тонғы отганига 76 йил түлді. Москвадаги Қызыл майдонда ўтған Ғалаба нағишида мағлуб немис

армиясининг юзлаб жанговар байроқлари урушдағы ғолиб қынқан совет аскарлары томонидан ерга улоқтирилғанлығы – шонли тарих.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**



9 май – Ғалаба куни барча қатори, отам – Улуғ Ватан уруши фахрийсі, маориф соҳасы альочиси, 1916 йили Эски Иқон қишлоғидан дунёға келген Абдуманнап Хидириалиев учун ҳам катта байрам эди. Отамиз биз, саккыз фарзанднинг ҳаммасини ўқитиб, уй-жойли қилды.

Отам 1935 йилда Самарқанд шаҳридаги Сталин номли рабфакни тугатиб, меңнат фаолиятни шу вилояды ўқитувчиликдан бошлаган. 1941 йил 17 апрелда Самарқанддан Совет Армияси сағиға қақырлады. Орадан саноқлы ҳафтаптар үтиб, уруш бошланады. У 1945 йилнинг охирига қадар ҳарбий хизматда душман билан олишады.

Уруш ҳақида гапиришни отам истамасди. У Суворов номли Қызыл байроқлы 322-үк-чилар дивизиясида жанг қылған. Саволларимизга қисқа қилиб, сапёр бўлганини, белорус дўстли борлигини, у отамни Михайл деб атасини, ҳаттоқи, урушда берилган ташаккурномаларда ҳам шу исм ёзилганини айтган. Қонли жанглардан биррида мина портлаб, бармоқларини осколкалар кесиб кетганлиги, ҳарбий госпиталда ётиб чиққани ҳақида гапириланларини эслайман.

1945 йили 12 декабрдан бошлаб Иқон қишлоғидаги мактабларда ўқитувчи, директор үрінбосары, партия ташкилоти котиби, касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаган.

1949 йилдан бошлаб маориф соҳасидаги фаолиятни олий маълумотли

мутахассис сифатида давом эттиради.

Абдуманнап Хидириалиевнинг жанглардаги қаҳрамонликлари, 45 йил маориф соҳасидаги бекиёс хизмати давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, орден, медаллар билан тақдирланган. Қозогистон халқ маорифи альочиси эди.

Собиқ жангчи, маориф альочиси, изратли оила соҳиби, минглаб шогирдларга таълим-тарбия берган устоз, меҳрибон падари бузрукоримиз 1993 йили 31 январда вафот этди. Отамнинг нурли хотирии туркистонлик 18546 нафар жангчи қаторида мангу барҳаёт. Эски Иқондаги қишлоқ кўчаларининг бирига унинг номи берилди.

Бугунги ёш авлод осойишта ва фаровон ҳаёт ўз-ўзидан бунёд этилмаганигина, ўтган асрда 20 миллиондан зиёд совет кишилари ҳаётини қурбон қўлганини доим ёдда сақлаб, шу ишга ҳисса қўшмоқлари лозим.

**Рашида УСМОНОВА.**



## УШБУ КУННИ ЯҚИНЛАШТИРГАНЛАР

1937 йили у Чимкентдаги ФЗУ (шу даврдаги касб-хунар мактаби)да ўқиб, алоқачи касбини эгаллайды. Мактабда ўқитувчилик қилаётганида уруш бошланады. Қишлоқ ўқитувчиларига броня берилади. Рисмет 1942 йили радио орқали фронтдаги вазиятдан воқиғ бўлгач, ҳарбий комиссариатга келади.

– Брондан воз кечаман, – дейди у. – Менинг сафдошларим қон кечиб, жанг қилаётгандан мен бу ерда қололмайман. Ватанимиз хавф остида экан, мен ҳам бир қошиқ қоним қолгунича курашман.

– 1943 йил август охирларида Фарбий Українанинг Трояновка қишлоғига, Польша чегарасига келиб тўхтадик, – ҳикоясини бошлади фахрий. – Қисмимизни бу ерга Руминиядаги Ясси-Кишинёв операцияси тугагандан сўнг ташлашганди. Ўн кун йўл юрган бўлсак, кечак ю кундуз душман самолётлари тепамиздан кетмади. Иккى марта эшелонимизни бомбардимон қилиб, қанчадан-қанча танкларимиз ва «катюша»-ларимизни ёндириб юборишид. Бригада қўмондони яраланди. Бундай вазиятда командирнинг яраланиши, ўлимни – энг оғир йўкотишдир.

Польша чегарасига етиб келганимизда, қисмимиз жанг олиб бориш қобилиятига эга эмас эди. Бунинг устига немислар варакалар ташлаб, аскарларимизга маънавий таъсир ўтказиша уринишади.

Бир вақт Ровно шаҳридан хушхабар келиб қолди. «Қозогистондан 1926-1927 йилларда түғилган комсомол жангчилар йўлга тушди. Кутуб олинглар», деб ўзилган эди унда. Ниҳоят, улар етиб келиб, саф тортишиди.

200дан зиёд йигитнинг тўрт нағаригина ҳали комсомол сағиға кирмаган экан. Батальон комсомолларининг биринчи йигилишини ўтказдик. Жанговар бўйруқ ўқиб эшиттирилди, унда 57-моторларашган бригадамиз биринчи навбатда Родзимин шаҳрига ҳужум килиши, у ердаги концлагердаги асиirlарни кутқариши, шунингдек, Познань шаҳридаги маҳбусларни озод қилиши керак эди.

Танкчиларимизнинг радиоприёмниклари, ҳамма передатчиклардан «333» овози эшиттилади. Бу «Жангга, олға!» деган сигнал эди. Ватан озодлиги учун бўлган жанглар ортда қолди. Ниҳоят, Польша чегарасидан ўтдик. Қишлоқлар бўм-бўш. Қочаётган немислар йўл-йўлакай ҳамма жойга ўт ўқиб, кўзга кўринган нарсаларни ёндирган, жони-ворлар, қанча-қанча бегуноҳ одамларининг мурдалари ётилди. Тўшакларини кўлтиқлаган аёллар норасида болалари билан ўрмонлардан уйларига қайтишти.

Танкчиларимиз, тўпчиларимиз концлагеръ кўриқчиларини узоқдан ўқса тутишиди. Электротокли, тиконли сим билан ӯралган лагеръ ичидан кўл, оёғидан ажралган турли миллат кишиларни зўрга қадларини кўтариб келишарди. Немислар уларнинг кўл-оёқларини атайлаб кесиб ташлашган экан. Озодликка чиққанларнинг кўз ёшини ифодалашга сўз тополмайсан.

Радиоприёмникдан «Эҳтиёт бўлинглар»: ўрмон ичкарисида, йўл ёқаларида, пиистирмаларда яширинган немис танклари бизни ўраб олмоқчи», деган хабар эшитилди. Биз йўл-йўлакай шубҳа қилинган жойларга бир-икки-

тадан снаряд улоқтириб бордик. Бир вақт пиистирмадан немис танклари ота бошлади. Биз ҳам ўрмонга яшириниб олиб, 500-600 метр масофадан уларга қарши ҳужум бошладик. Пермлик Смирнов биринчи жангдаеъ «Қызыл Юлдуз» орденига тавсия ётилди. Дарё бўйига танкларни яшириб, ёнилғини қўздан кечираётганимда, немис варақасига қўзим тушди. Улар «Совет Армиясининг 2-гвардиячи танк армиясини куршовга олдик», деб ёзишган экан варакада. Янгидан келгандар, ёш эмасми, ба гапга чиппа-чин ишониб, анча бўшашиб қолишганди. «Бу навбатдаги фитна, фақат олға! Қуршовдаги 2-чи армия ҳозир немисларнинг адабини беради», деб уларга далда бердик.

«Як-6»лар, бомбардимончи-қириучи самолётлар осмондан, қозогистонликлар совға қилган «Т-34», «Катюша»лар тилга кириб, Познани ҳам озод қилдик. Поляклар бизни қучоқ-қучоқ гуллар билан кутиб олишиди.

Оғир ва шиддатли жанглардан кейин яна куч тўплаш учун ўрмонзорга тўпландик. Танк мактабини битириб келган қозогистонликлардан кўплари орден ва медаллар билан мукофотланнишиди. Бир неча аскар ярадор, йигирма киши эса қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Лекин ҳамма комсомоллар ўз бурчларини адо этдилар.

– Айтишларича, сиз партизан отрядига ҳам бошчилик қилган экансиз... – Раҳматли отамнинг таклиғига йўқ деёлмадим. Лекин бундан афсусланмайман, «Фахрий шахтёр» унвонини олдим. Қозогистоннинг кончиларига бериладиган юксак унвон бу. Йил сайин августнинг охирида шаҳар ҳокимлиги Шахтёрлар куни билан кутлайди, совға-саломлар беради. Бола-чақа, невараларни сўрасангиз, улар 50 нафардан ошиб кетган. Туман, вилюят ҳокимларига раҳмат, доимоғамхўрлик кўрсатишти.

**Авазхон АБДУФАТТОХ.**



Уларнинг сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Бу табият қонуни. Ушбу қонун бўйича урушни ўз кўзи билан кўрган, олов-бомба ёмғири остида жанг қилган, Европанинг ярмини пиёда босиб ўтган, Ватанимизнинг бир қарич ерини ҳам душманга бермаслика ҳаракат қилиб, қон кечиб, Буюк Ғалабани яқинлаштирган инсонлар абадий истефога чиқмоқда. Улардан сўнг эса урушнинг биронта ҳам гувоҳи қолмайди. Фақат хотираларигина биз билан бирга бўлади. Шунинг учун уруш қатнашчилари билан сухбатлашганимизда асосан уларнинг хотираларига асосий эътиборни қаратамиз. Тўлебийлик уруш фахрийси Рисмет Жумағулов билан сухбатимиз ҳам шу мавзуга бағишилди.

Р. Жумағулов 1921 йили 24 декабрда түғилди. Болалиги очарчилик йилларига тўғри келди ва у 12 ёшидан бошлаб каталар билан бирдек меңнат қила бошлади.

# ЯНГИ ТУМАН МАРКАЗИДА



Түркестон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Қозоғистон халқи Ассаамблеяси аъзоси, "Карвонсарой" МЧБ раҳбари Баҳодир Ирисметов раҳбарлигидаги, меҳнат фахрийлари – Түркестон шаҳар ҳокимлиги девонида меҳнат қилиб нафақатга чиқсан Зокир Бекенов ҳамда Қозоғистон маорифи аълоочиси,

Ҳамза номли мактабнинг сабиқ директори Замир Муҳаммаджонов ҳамроҳлигига янгидан ташкил этилган Саврон тумани маркази Чўрноқ овулига йўл олдик.

Туман фаоллари билан учрашув ўтказётган туман ҳокими Фани Қурмашули Рисбеков қабулида бўлиб, долзарб масалаларни муҳокама қилдик.

Ўз навбатида "Жанубий Қозоғистон" газетаси таҳририяти ва муштарайлари номидан янги туман маъмурияти, ҳокимлик ходимларига, шахсан Фани Қурмашулига муваффақият, масъулиятли фаолиятида зафарлар тиладик.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**  
**Муаллиф тасвири.**

## ● Спорт – саломатлик гарови



Түркестон шаҳрида Ҳикмат Ахиметов раҳбарлик қилаётган Алишер Навоий номли мактаб-гимназиянинг юқори синф ўқувчиларидан таркиб топган баскетбол жамоаси шаҳарда, сўнгра вилоят миёсидағи қизиқарли беллашувларда муваффақиятга эришиб, биринчи ўринни эгаллади. Зафар муборак бўлсин!

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Мактаб жисмоний тарбия фани ўқитувчилари Маъмур Тўрахонов, Маҳмуд Тошметовлар тайёрлаган ғолиб жамоа таркибида 9-11-синфларда таҳсил олаётган Динмуҳаммад Муродов, Умиджон Абдалимов, Бекзод Маматраимов, Сирожиддин Эркинбоев, Қурбон Баҳодиров, Нурсултан Мақсудов, Жасур Абдура-

шидов, Диёрбек Султонов ҳамда Адҳам Абдураҳмонов каби ўқувчилар маҳоратли ўйнлари билан муҳим ғалабага мустаҳкам пойдевор яратишиди.

**М. АЛИ.**  
**Суратда:** А. Навоий номли мактабнинг ғолиб жамоаси.

**Муаллиф тасвири.**

## УЛУФ ТУН ЯҚИН, УНГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Лайлатул Қадр туни жорий йил Рамазон ойининг 26 дан 27га ўтар кечаси, 8 майдан 9 майга ўтадиган тунга тўғри келяпти. Бу тун ҳақида Қуръони Каримда баҳорат қилинишича, у кечада Аллоҳинг муборак каломи нозил этилган. Бу кечада қилинган ибодат минг ўйллик ибодатдан афзал. Бу оқшомда фаришталар Жаброил алайхисаллом билан бирга Ер юзига тушиб, бир йил давомида бўладиган ишларнинг режасини тузишади, туни бўйи мусулмонлар учун истигфор айтиб, Аллоҳга илтижо қилишиади. Бу шундай улуф тун.

Шундай экан, биз унга тайёрмизми? Умуман бу тун ҳақида қандай билимга эгамиз?

### НИМА УЧУН ЛАЙЛАТУЛ ҚАДР КЕЧАСИ МИНГ ОЙДАН АФЗАЛ, ДЕЙЛАДИ?

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг умматларига берилган Лайлатул Қадр кечаси аввалги умматларнинг минг ойидан кўра яхши қилиб берилган. Яъни уммати Муҳаммадия биргина Лайлатул Қадр кечасида ибодат қилиш билан бошқа умматларнинг минг ой килган ибодати савобидан кўпроқ савоб олиш имконига эга бўлдилар.

**Шоҳруҳ КАРИМОВ, тадбиркор:**  
Бу тунда аслида масжидга борилади. Эрталабгача жамоат билан намоз ўқилади. Домлалар Қуръон тиловат қилишади, зикр айтишади, дуолар ўқишиади. Биз, ҳар йили дўстларимиз билан бу тунни шундай ўтказазар эдик, энди карантин сабаб уйда қолишимизга тўғри келяпти.

### НИМА УЧУН БУ ТУН ЯШИРИН?

Қадр кечасининг Рамазон ойига яширилишининг ҳикмати ўлим вақтини ва қиёматни яшириш ҳикмати кабидир. Шунинг учун Қадр кечаси мўмінлар тоат этишга рағбат

### Мастура ИБРОҲИМХОНОВА, ҳалқ табиби:

– Лайлатул қадр тунини кимда ким чин иймон ва ихлос билан бедор ўтказса, унинг аввалини ве кейнги гуноҳлари кечирилади, деб ўқиганман. Шу муборак Ҳадисга амал қилиб, ухламасдан намоз, Қуръон ўқиши керак, кўпроқ дуолар қилиш керак.

ва ҳаракатни кучайтириши, ғофил ва дангаса бўлмаслиги лозим. ("Зикр ахлидан сўранг").

Аллоҳ Таоло ўзи ҳоҳлаган бандасига Қадр кечасини билдирилар экан. Ҳозирча бутунни мусулмонлар аниқ 8 майдан 9 майга ўтар кечаси деб қабул қилишиди. Шунинг учун барчамизга шу туни тонг отунча ибодат қилиб чиқиши афзалдир. Ҳадисларда айтилишича, ушбу муборак кечада касалликлар пайдо

бўлмас, шўр сувлар чучукка айланниб, дараҳтлар эса шоҳларини ерга этиб турар экан. Рамазондаги муқаддас тун Лайлатул Қадр туни муборак бўлсин!

**Н. МАВЛОНОВА.**

## ОНА ЮОРТ ХИЗМАТИДА

Худоёрхон ота Исоҳўжаев... Шимкентлик қариялар бу инсоннинг номини юксак эҳтиром илиа тилга олишади. У она шаҳри, унинг тарихи учун кўп ва хўп ишлар қилган давр қаҳрамони эди. Узоқ йиллар мобайнада вилоят ўлкашунослик музейида ишлади.

Уруш бошланганида X. Исоҳўжаев биринчилар қаторида она Ватан ҳимоясига отланди. Сталинград фронтининг 13-алоҳида отлиқ артилерия қўшини таркибида Сталинград мудофаасида жасорат ва матонатини намоён қилди. Ўша урушда у оғир яраланиб, госпиталда узок даволанди. Соғайгач, яна жангга кирган ўзбек ўғлони буюк Галабадан сўнг 1945 йили июн ойидаги шаҳрига магфур кириб келди.

У 1945-1965 йиллари "Союзхозота" ташкилотида балиқ овлаш бўйича нозир вазиғасида фаолият юритди. Вилоят НКВД (кейин ДХҚ) ходими сифатида кўплаб жиноятларнинг олдини олди. Соғлиги панд бергач, ота касби ҳунармандчилик билан

шуғулана бошлади. Уйида ота-боболаридан мерос қолган мих чиқарувчи ноёб ускуна билан михлар ишлаб чиқарган Худоёрхон-чегачининг ушбу дастоҳ-ускунаси бугунги кунда невараси Ихтиёрхоннинг қўлида. Ихтиёрхон ҳам ушбу касбни яхши ўзлаштириб олган ҳунарманд, ёш тадбиркор.

"Улуғ Ватан уруши" (учала даражаси ҳам), "Қизил Ўлдуз" орденлари, қатор медаллар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланган Худоёрхон ота тақдир тақозоси билан уч марта оила қурди. Чимкентлик Турсынай ая 1946 йили бу ёргу оламини барвақт тарк этгач, сайрамлик Гавҳарой Абдуллахон қизига мурллаганинг тилга олиш жоиз. У ҳам отаси каби антикварлар йигиш билан қизиқади. Қизлари Сайёдхон, Санамхон ва Сораҳонлар – уй бекалари. Эвараларидан Рустамхон АҚШдаги нуғузли олий ўқув юртлардан бирида таҳсил олган.

Уруш ва меҳнат фахрийи Худоёрхон отанинг ёрқин хотираси олдида таъзимдамиз.

**Сайд ХАЙРУЛЛОХ.**

ўғлини вояга етказишиди. Ольга Семён қизи Исломдинини қабул қилиб, соғ ўзбекча гапириши ўрганади. Абдужаббор ака ҳамда Ольга аяларнинг тұнғич фарзанди Зулфия 1948 йили дунёга келади. зиёли, полвон, муаллим Жұрабой Бобошевға турмушга чиқиб, пири бадавлат хонадон сохибаси бўлади.

Бугунги кунда ушбу улкан хонадон фарзанд, невара, чевара, эваралар шўх-шодонлиги билан файзлидир. Уруш ва меҳнат фахрийи Абдужаббор Пардабой ўғли 1937 йили ҳарбий хизматга отланади. Сўнг Фин урушига, ундан Улуғ Ватан урушига сафарбар этилади. Оғир жангларда яраланиб, госпиталларда даволанди. Уч ака-ука урушдан ғалаба билан 1945 йили қайтиб, қадрдан Туркестонда юз кўришиадилар. Абдужаббор ака тақдир тақозоси илиа Ольга Семён қизи билан турмуш куради.

Туркестонда темирийл соҳасида пешқадам ходим сифатида самарали меҳнат қилган. Мукофотлар билан тақдирланади. Умр йўлдоши билан 11 фарзанд – 10 қиз ва 1

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**P.S.** ...Эрталаб ишга отланаётib, ўйлда ўғил-қизларини мактабга етаклаб кетаётган қўшнимни учратиб, ҳол-аҳвол сўрадим. Бошлиғич синф ўқувчилари эмасми, болалари харҳаша қилиб, мактабга аранг кетишаётган экан. Беихтиёр ҳаёлимга кекса ёзувчи-шоур Эрназар Рўзиматов ўз бушидан кечган, менга айтиб берган уруш ўйларидаги мактаб ўқувчилари нишшароити кўз ўнгимда гавдаланди. Оғир, озиқ-овқат тақчиларига мактаб ўқувчиларига талон билан арпа ёки кеплакдан тайёрланган нон оз миқдорда бериларди. У ҳам гоҳида бор, гоҳида ўй...

Бугунги фаровон, осойишта ҳаётимиз учун жанггоҳларда қон тўйкан аскар аждодларимиз, ота-боболаримиз охиратлари обод бўлсин, деймиз.

Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги «Иқон» умумий ўрта мактаби жамоаси ўқитувчи Мухтабар Зуппархоновага умр йўлдоши

**Тўраҳон НИШОНБОЕВ-**  
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиласиди.

Кентов шаҳри, Эски Иқон қишлоғидаги «Иқон» умумий ўрта мактаби жамоаси ўқитувчи

**Сафо Комилжон ўғли**  
**АНГУРОВ-**

нинг вафоти муносабати билан мархумнинг оиласига, қариндош-уругларига ҳамдардлик билдириб, чукур таъзия изҳор қиласиди.

Сайрамлик фахрий устоз Турсынхўжаев шогирди ва ўқувчиси, таникли шоира

**Мухтарама**  
**МИРСОДИҚОВА-**  
нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари, қариндош-уругларига ҳамдардлик билдириб, чукур таъзия изҳор қиласиди.

Аллоҳ мархумларни ўз раҳматига олган бўлсин!



● Жангчи-фаҳрийлар –  
эл ардоғида

Тинчлик, осойишталигимизни сақлаш, мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган мард, жасур инсонлар матонати халқимиз қалбидаги абадий сақланади.

## ҚАНДАҲОРДА ТОБЛАНГАН ДЎСТИМ



Юсуфжон Қоратоев Тўлебий туман фаҳрий байналмилалчи-жангчилар кенгаси аъзоси, жамоат фидойиси. Мехнат фаолиятини Ленгер шаҳридаги машинасозлик заводида бошлаган. 1978 йили Германиядаги Совет қўшинлари гурухига ҳарбий хизматга чақирилади. 1979 йил 5 декабрда у хизмат қилаётган полк Афғонистонга йўл олади. Қобул шаҳрида хизматини давом эттирган Юсуфжон Қоратоевнинг жасорати юксак баҳоланиб, қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган.

– Мен ҳам қозогистонлик аскарлар

сафида, Афғонистондаги уруш оқибатларини бошимдан кечиранман, – дейди у. – Сафдошларимнинг жасорати ҳамон кўз олдимда. Бугун бизларга кўрсатилаётган иззат-икром, ғамхўрлик, катта имтиёзлар учун миннатдорчилик билдираман.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жангчи-фаҳрийлар – эл ардоғида. Собиқ жангчи Юсуфжон Қоратоевнинг жасорати юксак баҳоланиб, қатор давлат мукофотлари билан тақдирланган.

Отабой РАҲИМФОЗИЕВ.



## ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР ХОТИРАСИ

– Волга дарёсининг ажойиб манзараси кўриниб турадиган Мамаев қўрғони тепалиги уруш вақтида муҳим стратегик аҳамият касб этган, – дея бошлиди ҳоқоясини Александра Петровна.

– Энг шиддатли жангайнан шу ерда кечган.

...Бу тепалик устида Она Ватан ҳайкали қад кўтарган. Қилич ялангочлаб турган Она Қизил армияни ғалабага чорламоқда.

Бу ердаги хотира деворларида жангларда қурбон бўлган шўро аскарларининг номлари ёзилган. Де-

ворлар орасига ўрнатилган, аммо кўринмас карнайлардан мунгли наво тараги туради. Бу жанг тугаганига етмиш олти йил тўлса ҳам, ҳамон шаҳарда қурбонлар жасадлари тоғилип туради.

Одамлар ҳамон ўз акалари, оталари, оналари ва опалари қабрларини топиб, мотам тутадилар.

Сталин «Асир тушилмасин», Гитлер эса «Чекинилмасин», деб буйруқ берган эди. Сталинград жангидаги қурбон бўлган аскарларнинг аниқ сони маълум эмас, аммо эҳтимолки, бир

миллиондан зиёд ҳарбийлар жон беришган.

Ёшлар бирлашмалири аъзолари ва фаол китобхонлар фаҳрийга саволлар бериб, сұхбатни давом эттиришди. Шунингдек, урушдан кейин кўп йиллар Ленгер шахтасида кадрлар бўлимни бошлифи бўлиб ишлаган А. Капустина туман раҳбарларига қарияларга кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорчилик билдириди.

Б. ДЎСМАТОВА.

## “ТАНОВАР”НИ КЎРИШГА КЕЛИНГ!



пайтда куй-қўшиқ, рақс, мусиқалари устида иш олиб бормоқдамиз. Тез кунларда премьераси ўтади. Спектаклда антиквар костюмлар ишлатилади. Шу сабабли шоғирд Сарвар Мирзаевни костюмлар, декорация билан ишлаш учун таклиф қўлганман. Материалларнинг асосий қисмини Ўзбекистондан олиб келдик. Бу сафар ҳам янгилик яратишга интиляпмиз. Ҳалқ қўшиқларини қайта ишляпмиз, унинг мусиқаларини ўзим ёзганман. Спектакль Таваккал Қодиров йўналишидаги машҳур “Тановар” қўшиғи билан якунланади.

– Мусиқий-этнографик асарни театр жамоасининг

салоҳияти ва имкониятларини билган ҳолда, олиб келган бўлишингиз керак?

– Биринчидан, бу асар илк бор саҳнага олиб чиқилмоқда. Айни пайтгача театрда тўртта асар саҳналаштирган бўлсан, уларнинг иш жараённада актёрлар маҳоратларини англаб етганман. Бу ерда жуда чиройли қўшиқ айтадиганлар бор. Сайдикарим Маҳмудов, Одилжон Тўғонбоев, Миркамол Забборхонов, Шерзод Ходиметов, Дилдора Холметовалар, шулар сирасидан. Ҳамоа – жуда меҳнаткаш. Актёрларнинг меҳнатдан қочиб, лаёқатсизлик қилганини кўрмаганман. Шунинг

учун ҳам бу ерда ишлаш мароқли. Мен Шимкент ўзбек драма театридан бошқа Қозогистоннинг Тароз, Туркестон, Алмати шаҳарларида театрларда ҳам иш юритганман, яна янги foя ва режаларимиз бор. Лекин бу театрга талпиниб туришим рост.

– Қозогистонлик мухлислар Сизни кинолардаги салбий ролларингиз орқали яхшироқ танийди. Ҳозир қандай киноларда суратга тушяпсиз?

– Таклифлар кўп бўлишига қарамай, уларнинг аксариятига рад жавобини беряпман. Аслида менинг мутахассислигим – режиссёрик. Тўғри, кино сценарийси, роллар маъқул келгани

учун бир пайтлар киноларда ўнаганман. Яқинда бир сериалда қатнашдим. Шу пайтгача юздан зиёд кинода роль ўнаганман. Ҳозирги кунда ўйнаган ролимдан лаззатламаслигимни сеззам, рад жавобини бераман. Қозогистонда кино олиш режам бор. Ҳақиқий санъат асари бўлса, вақт топаман.

– Тасвирга олинаётган аксарият кинолар саёздек. Ёки кучли драматурглар озми?

– Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кучли режиссёrlар анчагина. Ёлқин Тўйчиев, Аюб Шаҳобиддиновлар, шулар жумласидан. Улар ўзларининг даражасини амалда исботлаганлар. Драматургия масаласи бутун дунёда очиқлигича қолмоқда. Кучли ёзувчи ёки шоир бўлиш мумкин, лекин ҳар ким ҳам драматург бўлавермайди. Ҳар қандай кучли томоша остида кучли драматургия ётади. Одамлар эса унга талпинади.

– Сұхбат учун раҳмат! Ижодий ишларингизда муваффакият ёр бўлсин!

Хуршид Қўчқоров  
сұхбатлашди.

Директор-Бош мухарир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Масъул шахслар:

Туркестон, Қентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Тўлебий — Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт — Хуршид Қўчқоров. +7-701-447-37-42.  
Сайрам — Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Тулкибош — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон Мўминжонов. +7-702-278-96-90

Муассис – Туркестон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон” вилоят ижтимоий-сийеси газетаси

таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Маколалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, рекламима ва эълон берувчилар масъулдор.

● Ғойдаланилмаган маколаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йч.

4-квават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.

Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета КР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан

2020 йил 21 апрелда рўйхатга олини,

KZ34VPY0022503 гувоннома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нусха.

Масъул котиба –  
Шаҳноза УСМОНОВА.

Қозогистон Республикасида тарқатилади.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди.

Шимкент шаҳри, Т. Алимкулов кўчаси, 22.

Бирорта: 1151.

Бош мухарир

Үрингосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –

Шаҳноза УСМОНОВА.